O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
2 апрель
ЧОРШАНБА
№ 25
(12.036)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

КОРХОНА ҚАЙТА ТУҒИЛДИ

ЮРТИМИЗДА ишлаб чиқаришни бевосита чет эл инвестициялари иштирокида модернизациялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу бир томондан маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатбардошлиги ошишига олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қўл келаётир. Буни Ўртачирчиқ туманидаги "Spentex Tashkent Toytepa" корхонаси фаолиятида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган бу корхона аслида 1996 йили фойдаланишга топширилган. Бироқ, орадан ҳеч қанча ўтмай, муайян сабабларга кўра тўхтаб қолганди. Шу боис, унинг фаолиятини хорижлик сармоядорлар кўмагида тиклаш чоралари кўрилди. Бу хайрли ишга Ҳиндистоннинг "Spentex industries" компанияси жалб этилди. Ҳамкорлик самараси ўлароқ иншоотда мавжуд цехлар компания томонидан қисқа фурсатда босқичма-босқич замонавийлаштирилди. Барчаси Германия, Япония, Бельгия каби давлатлардан келтирилган қўшимча дастгоҳ ва ноёб эҳтиёт қисмлар билан мукаммал жиҳозланди. Шунингдек, хом сурп матоси тайёрлаш йўлга қўйилди. Тез орада корхона, таъбир жоиз бўлса, қайта туғилди. Эзгу мақсадлар йўлида 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

Ниҳоят, 2006 йил августидан корхона яна ишлай бошлади. Бу сафар асосий эътибор, аввало, маҳсулот сифатини жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражага етказишга қаратилди. Пировардида унга нафақат ички бозоримизда, балки четда ҳам талаб кескин ошди. Бу ўз-ўзидан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Амалда шундай қилинди ҳам. Қарабсизки, у йилига 43800 тонна ип-калава ва 22 миллион погон метр газлама тайёрлаш имконига эга йирик ва забардаст корхонага айланди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: тўқувчи Ҳилола Мавлонова; корхонанинг барча цехларида иш қизғин.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Ислоҳот ва ҳаёт

ДОИМО БОР БЎЛ, ХАЛҚИМ!

МУСТАҚИЛЛИККА эришилгандан сўнг демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида бошланган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мисли кўрилмаган ўзгариш ва янгиланишларга эришилди. Бунга барча соҳалардан амалий мисоллар келтириш мумкин.

Эътироф этиш керакки, туб ислоҳотларнинг давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бешта тамойили барча ютуқларнинг бош омили бўлмоқда.

Маълумки, ана шу бешта тамойилнинг асосий мазмун-моҳияти халққа содда тилда тушунтирилди. Масалан, иқтисодиётнинг устуворлиги тамойилини олиб кўрайлик. Ушбу тамойилнинг ҳаётбахшлиги шундаки, «аввал иқтисод, кейин сиёсат» ибораси халқ тилида кенг тарқалган эди. Кўнглидаги гап айтилса, ким қувонмайди, ким қўллаб-қувватламайди? Қувонган эса халқнинг ўзи бўлди.

Халқимизнинг феълига хос яна бир хусусият, ҳамиша давлатга ишониб яшашдир. Ҳар қанча оғир вазиятда ҳам «давлат қараб турмайди» деган таскинни ишонч қилиб кўтарган. Шу маънода бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши унга далда бўлди. Эл суянган тоғи мустаҳкам эканлигига ишона бошлади...

Беш тамойилнинг учинчиси – қонун устуворлиги ёки фуқаролар қонун олдида тенглиги бўлди. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзилар бу тамойилнинг яшаб кетишига хавотир билан қарадилар ҳам. Лекин 16 йил мобайнида қадамма-қадам бу вазифанинг бажарилишини ўз кўзи билан кўрган халқ бунга ҳам ишонди. Зотан, халқни бирон нарсага зўрлаб ишонтириб бўлмайди.

Қишлоқдаги гурунг чоғида кексалардан бири:

– Мустақил бўлганимиздан бери давлат қийналган оилаларни ташлаб қўйгани йўқ, ночорларни доимо қўллаб-қувватлаб турибди, – деб тўртинчи тамойил ҳақида лўнда гап қилди.

Ҳақ гап. Энг қувонарлиси, иқтисодий жиҳатдан анча юқорилаб кетган бугунги кунимизда ҳам бу савоб ишдан заррача чекинилгани йўқ. Кучли ижтимоий сиёсат юритишда давлат ҳамон масъулиятни елкасида кўтариб турибди. Бунга минглаб далилларни келтириб ўтириш керак эмас, бунга исбот керак эмас, ҳаммаси халқнинг кўз ўнгида бўлаяпти.

Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш отабололаримиздан қолган бир ўгитни ёдга солади: «Тегирмон навбати билан». Тўкин кузни кўриш учун кишдан ўтиш керак, баҳор билан ёзнинг йўлларидан юриш керак.

Мана шундай улуғ мақсадлар ифодасини халқ икки босқичда кўрди ва 1991-2000 йилни ўз ичига олган ўтиш даврида, 2001-2007 йиллар ҳамма соҳалардаги фаол ва изчил ислоҳ жараёнида ўзи ҳам яратувчи бўлиб қатнашди.

Юртбошининг қатъий сиёсий иродани намойиш этиши халқни бириктирди, келажакка ишонтирди. Бу катта ютуқ эди.

Орадан йиллар ўтди, мана шу беш тамойил ҳар бир фуқаронинг яшаш фалсафасига айланди. Давлат ва жамият ҳаётида унинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугунги кунда одамлар ўртасидаги суҳбатларнинг мавзусида икки-уч масала кўпроқ гапирилмоқда. Бу тадбиркорлик, фермерлик ва ёш авлодга бўлган ғамхўрлик масалалари. Қарангки, шу уч масаланинг муваффақиятли амалга оширилиши юрт келажагини таъминлайди.

Тадбиркорлик ҳақида гап кетса, ўзим ҳаётда кузатган бир жараённи кўп эслайман. Вилоятимиз худудидаги Оҳангарон дарёси қирғоқларида юз йиллар давомида сув толлари ўсиб ётарди. Илгарилари вақти келиб шу тол хивчлари ҳунармандлар қўлига тушиб, стол-стуллар, турли гулдонлар, саватчалар ва бошқа хил идишларга айланишини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз. Тадбиркорликка кенг йўл очилгач, одамлар шу нарсаларга ҳаётда эҳтиёж борлигини сезишиб, имкониятдан сармоя қилишмоқда. Бу энди оддий бир мисол. Демоқчиманки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш аҳолининг онгу тафаккурида ҳам туб ўзгаришларни бошлаб берди. Мустақилликнинг ёши улғайган сари ақлли одамлар ҳам кўпайиб бормоқда. Бу эса юртнинг салоҳиятини белгилайди.

Ёш авлодга бўлган эътиборни кўрган одамлар бир нарсага амин бўлишмоқда.

Болаларимиз келажаги янада ёрқин бўлади. Янгича фикрлайдиган янги авлод олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий йўналишдаги ишларда фаол курашчига айланиб бормоқда. Улар ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган асосий кучдир.

Ҳамид НОРҚУЛ.

ПОЙТАХТИМИЗДА бир ҳафта давом этган Миср маданияти кунлари якунланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларга бой бўлди. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Ислом университети, Миллий санъат маркази ва бошқа бир қатор маърифий масканларда Мисрнинг "Ҳуррия" фольклор жамоаси иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Мисрлик рассом Сайид Иброҳим Муҳаммад Кандийлнинг график асарлари ҳамда Авс ал-Ансорийнинг хаттотлик намуналаридан иборат кўргазма ўтказилди. Шу билан бирга, араб тили байрами, қизиқарли илмий анжуманлар, кўрик-танловлар ташкил этилди.

– Ўзбекистонда кўрганларим эшитган ва ўқиганларимдан зиёда экан, – дейди "Ҳуррия" фольклор жамоаси бадиий раҳбари Насриддин Муҳаммад Маҳмуд. – Жамоамизнинг "Офарин" рақс театри ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси бадиий жамоалари билан ҳамкорликда номойиш этган дастурлари, бошқа маданий тадбирлар мобайнида халқингизнинг санъатга ихлоси баланд эканига гувоҳ бўлдик.

ЎзА.

«LACETTI»НИНГ ЯНГИ РУСУМИ

2007 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи давомида "General Motors Europe" ("GME") ва "GM Daewoo Auto & Tehnology" ("GMDAT") компаниялари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтган эди.

Унда "ЎзДЭУавто" акционерлик жамияти негизида "Chevrolet" автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича "General Motors Uzbekistan" қўшма корхонасини тузиш тўғрисида келишувга эришилди ва кейинчалик тегишли битим имзоланди. Мазкур ҳужжатда "Chevrolet"нинг учта моделини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, автомобиль қувватини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга йўналтирилган лойиҳаларни кенгайтириш кўзда тутилган.

Янги қўшма корхона Ўзбекистон автомобилсозлик соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳамда кенг қўламли "GM" – "Chevrolet" лойиҳасини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

"General Motors Uzbekistan" қўшма корхонасида енгил автомобиллар ва қийин йўлларга мослашган "Chevrolet" машиналари ишлаб чиқарилади. Улар 60 дан ортиқ корхонадан иборат ички дилерлик тармоғи орқали сотилади. Ўзбекистондаги Асака заводида ҳозир "Chevrolet" маркаси остида учта русумдаги – "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" машиналари йиғилмоқда. Бу йил улар қаторига яна бир янги модель – "Chevrolet Lacetti" автомобили ҳам қўшилади. "Chevrolet"нинг глобал портфелига кирувчи бошқа моделларни ишлаб чиқариш яқин йилларга мўлжалланган бўлиб, бу завод қувватларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Ўзлаштирилган моделлар МДҲ мамлакатлари бозорларига чиқарилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

БЎКА туманининг Ачамайли қишлоғида фаолият юритаётган «Қўшбой барака» хусусий корхонасида қадоқланган макарон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

ҚИШЛОҚДА МАКАРОН ЦЕХИ

Ойига 1,5 тоннадан зиёд макарон ишлаб чиқариш қувватига эга цехда ҳозир 4 киши меҳнат қилаяпти.

Корхона раҳбари Жалил Абдураҳмоновнинг эътироф этишича, Россия технологияси асосида қурилаётган ун тегирмони келажакда хом ашё таъминотининг барқарорлашувига кўмаклашади.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

Пилла – 2008

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида пилла мавсумига тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоятлардаги "Пилла" бирлашмалари, ипак қурти уруғчилиги, пиллани қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари, банклар вакиллари ҳамда Гидрометеорология хизмати маркази мутахассислари иштирок этди.

2008 йилда мамлакатимизда 23 минг 430 тонна пилла етиштириш мўлжалланган. Бу ўтган йилдагига нисбатан етти фоиз кўпдир. Мавсумда пиллакорларга ипак қурти уруғининг "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби серҳосил навлари тарқатилади.

Мавсумнинг кўнгилдагидек ўтишида тут баргларининг ўсиши билан бирга, ҳавонинг нисбий намлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис Гидрометеорология хизмати маркази мутахассислари томонидан апрель-май ойларида кутилаётган обҳаво, намлик даражаси ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди.



Йиғилишда тутзорларга ишлов бериш, пилла парваришида агротехник қоидаларга тўла амал қилиш ва пиллакорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш мўл ҳосил етиштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

ЎзА.

Қарор ва ижро

ЧОРВАДОРЛАР КЎМАКЧИСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг 2006 йилнинг 23 мартида қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Қарорга кўра 2007-2010 йиллар мобайнида чорва молларини, айниқса, қорамоллар сонини кўпайтириш, наслини яхшилашга қаратилган дастур асосида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларининг маҳсулдор молларга нисбатан ўсиб бораётган талабини инобатга олган ҳолда, хориждан қарийб тўрт минг бош наслли қорамол келтирилди.

Бунда чорвачиликда "Насл-хизмат" республика наслчилик уюшмасининг алоҳида ўрни бор. Уюшмадан маълум қилишларича, юртимизда наслли моллар етиштирадиган фермер хўжаликлари сони тобора ортиб бормоқда. Айни вақтда тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ҳам ошмоқда.

Ўтган йили наслчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан йигирма минг бошдан зиёд наслли мол боқилиб, аукцион савдоларида сотилди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични ўн фоизга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизда боқиладган қорамолларнинг қарийб 98 фоизи аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Чорвачиликда "Насл-хизмат" республика наслчилик уюшмаси вилоятлардаги зооветеринария бошқармалари билан ҳамкорликда фермер хўжаликларининг раҳбарларига наслчилик ишларини юритишда яқиндан кўмак бераётир.

Четдан келтирилган наслли чорва молларини маҳаллий шароитга мослаштиришда фермерларнинг ҳиссаси беқиёс. Жумладан, "Швиц" зотига мансуб қорамоллар – Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги "Аваз" фермер хўжалигида, "Қизил-чўл" зотига мансублари – Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги наслчилик



хўжаликларида, "Қораола" зоти эса Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Тошкент", Фарғона туманидаги "Ёрдон" наслчилик фермер хўжаликларида боқилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда чорвачиликнинг ривожи ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

ИСТИҚБОЛЛИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

«НИАГАРА» савдо белгили ичимликлардан татиб кўрмаган, ҳеч бўлмаса номини эшитмаган киши топилмаса керак. 17 хилда хонадонларимиз дастурхонига етиб борувчи ушбу ичимликлар Чиноз туманидаги «Пурилаев» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилади.

– Маҳсулотимиз қисқа фурсатда ўз харидорларини топиб улгурди, – дейди корхона раҳбари Иззатилла Мамаюсупов. – Ҳозир бозорда ўз ўрнимиз, ўз мижозларимиз бор.

Бу бежиз эмас, албатта. 2005 йили корхона янги ташкил этилган пайтда Россиядан 70 миллион сўмлик яхна ичимлик ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди ва ҳаммабоп, хуштаъм салқин ичимликлар ишлаб чиқарила бошланди.

Корхона ҳар йили 150 миллион сўмдан зиёд даромад билан йилни якунламоқда. Шундан 15 миллиондан кўпроғи соф даромаддир.

– Олинаётган фойда ва кредит ҳисобига янги ишлаб чиқариш тармоғини йўлга қўйиш тараддудидамиз, – дейди раҳбар. – Яқинда «Ўзсаноатқурилишбанк»дан 500 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олдик ва Тайванддан полиэтилен қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган технология олиб келдик. Ҳозир янги цех деярли тахт ҳолга келтирилди. Электр усталари технологияларнинг сўнгги мослаштириш ишларини якунига етказишаяпти.

Цех ишга тушгач, корхонанинг 70 ишчиси қаторига яна қарийб 60 киши қўшилади.

Уч сменада ишловчи цехда соатига 20 мингта қоп ишлаб чиқарилади.

Янги цех ҳозирданоқ ўз мижозларини топиб улгурди. Қозоғистоннинг ун ишлаб чиқарувчи бир нечта корхоналари билан қоп етказиб бериш бўйича истиқболли шартномалар имзоланди.

Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш бўйича янги лойиҳалар тайёрланмоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

СУРАТДА: электр устаси Шавкат Бекиров цехдаги янги технологияларни ишга туширишдан олдидан яна бир бор кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҲАР БИР ФАРЗАНДГА – МЕҲР-ЭЪТИБОР

истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида мустақил Ўзбекистонни барқарор равнақ топтиришнинг устувор йўналишларидан бирига айланди

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги чин маънода мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилган хайрли ҳамда истиқболли саъй-ҳаракатларнинг амалдаги натижаси бўлди. Бугун мамлакатимизда ёшлар сиёсати, янги авлодни тарбиялаш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришнинг яхлит, узвий ва барқарор тизими яратилди. У давлат ҳокимияти, маҳаллий бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, нодавлат ташкилотлар, турли хайрия жамғармалари ҳамда ёшлар ҳаракатини ўз ичига олади. Бу тизимда Республика болалар жамғармаси ўзига хос мувофиқлаштирувчи ва ҳаракатлантирувчи бўғин сифатида алоҳида ўрин тутмоқда.

– Жамғармамизнинг ваколатлари, мақсад ва вазифалари унинг низомида аниқ-равшан белгилаб қўйилган, – дейди Ўзбекистон Болалар жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Барно Жабборова. – Болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, маънавий ва жисмоний баркамол янги авлодни тарбиялаш, улар мамлакатимизда ёшлар соҳасида яратилган имкониятлардан тўла фойдаланишларига кўмаклашиш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва болаларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш масалалари жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Маълумки, БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамаси катталар ва болалар орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, қийин аҳволда қолган болаларни аниқлаш ва уларни меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларга жойлаштириш, оилаларига қайтаришга доир миллий режани тасдиқлаган. Халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда уни амалга ошириш борасида муайян тажриба ҳам тўпладик. Чунончи, сўнгги бир йилда 1203 бола ота-онасиз қолганлиги аниқланиб, фарзандликка, васийликка, ҳомийликка берилди, меҳрибонлик уйларига, махсус ва умумтаълим муассасаларига жойлаштирилди.

– **Янги Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад нима?**

– Аввало, ушбу Қонун бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни қонунан тартибга солишини таъкидламоқчиман. Эндиликда биз бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда унинг асосий йўналишларини аниқ белгилаб берувчи яхлит қонун ҳужжатига эга бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг муҳим қоидалари асосида ишлаб чиқилган бу Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви, фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш идоралари ва нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг вазифалари, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Ҳеч шубҳасиз, бу Қонун жамғармамиз саъй-ҳаракатларини яна ҳам фаоллаштиришда янги имкониятлар очмоқда.

– **Табиийки, бу Қонунни тарғиб қилиш, унинг талабларини ижрочиларга, кенг жамоатчиликка, айниқса, болаларга етказиш бугунги долзарб масала ҳисобланади. Жамғарманинг бу борадаги режалари қандай?**

– Бу – ниҳоятда масъулиятли ва кенг қамровли иш, албатта. Кенг жамоатчилик, айниқса, бевосита ижрочилар – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар унинг қоида ва талабларини мукаммал билиб олганларидагина у бекаму кўст бажарилади. Зеро, бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг узвий қисми.

2008 йил – Ёшлар йили

Янги Қонунни тарғиб қилиш, ўрганишни ташкил этиш борасида биз таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. БМТ UNISEF ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Болаларга дўстона муносабатдаги мактаб» дастури асосида 153 та мактабда семинар-тренинглар ўтказилди. Бу машғулотларга ёш авлод кенгаши аъзолари жалб қилинди. Мактабларда ҳуқуқий билимларга доир стендлар, махсус адабиётлар бурчаклари ташкил этилди. Натижада кенгашларнинг аъзолари вилоятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам фаол иштирок эта бошладилар. Жумладан, улар йод танқислигининг олдини олиш учун «Йодланган туз – саломатлик гарови» шиори остида оналар ва болалар учун семинар-тренинглар, акциялар, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ташкил этишда қатнашмоқда.

Янги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан бола ҳуқуқлари ва бурчлари хусусида ҳуқуқшунос, психолог, наркологлар иштирокида савол-жавоб кечалари ўтказилаётир. Вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида «Бизга бефарқ эмаслар» лойиҳаси доирасида тадбирлар ташкил этилмоқда. Болалар жамғармаси вилоят бўлими билан прокуратура, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ўртасида имзоланган қўшма қарор бу саъй-ҳаракатларга изчиллик ва самарадорлик бағишлаётир. Бундай тадбирлар Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Паркент, Янгийўл ва Оққўрғон туманларида тарбияси оғир, вояга етмаган юзлаб болалар тўғри йўлга чиқиб, жамиятда ўз ўринларини топиб олишларига кўмаклашди. Жамғарма бундай болаларни ҳам маънавий-ҳуқуқий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

– **Жамғарманинг Ёшлар йилида амалга оширадиган режалари ҳақида гапириб берсангиз.**

– Ҳар бир жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиб боришида ёшлар муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашувда, Асосий Қонунимиз қабул қилинган куннинг 16 йиллиги тантанасида ва, ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида буни алоҳида таъкидладилар. Гап янги авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, уни чин маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир қилиб тарбиялаш хусусида бормоқда.

Давлатимиз раҳбари: «Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур» деб таъкидладилар. Шуларни ҳисобга олиб, жамғарма Ёшлар йили вилоят дастурига ўз таклифларини берди ва амалий ишлар режасини белгилаб олди. Болалар таълим-тарбияси, соғлиги, баркамол янги авлодни камол топтиришда биз барча манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирамиз. Шу мақсадда ўқув-ишлаб чиқариш марказларимиз тармоғини кенгайтирмоқдамиз.

Ёшлар йилида унни темир моддаси билан бойитиш, «Болаларга самимий муносабатдаги мактаб», «Саломатлигимиз ўз қўлимизда» лойиҳалари доирасидаги саъй-ҳаракатлар кучайтирилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик, оила, оналар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор хайрия тадбирларини режалаштирганмиз. «Дийдор» театр студияси, «Кувонч», «Шанс», «Эделвейс» болалар бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чекка қишлоқ ва маҳаллаларнинг болалари учун чиқишларини ташкил этиш ниятидамиз. Истеъдодли болалар асарларининг «Мафтункор ранглар жилоси» кўргазма-савдоларини уюштириш, «Ўз ҳуқуқингни биласанми?», «Ёшлар ва қонун» мавзуларида ҳудудий танловлар ўтказишни мўлжалламоқдамиз.

Кўриниб турибдики, вазифаларимиз ниҳоятда кўламли. Уларни мукаммал рўёбга чиқариш жамиятимиз ва унинг фаолларидан ғайрат-ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб қилади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

УРУҒЛИК УЙИНГИЗГА ЭЛТИБ БЕРИЛАДИ

ТОМОРҚА – қишлоқ хонадонларининг энг нақд даромад манбаларидан бири. Ҳатто, айтиш мумкинки, қаловини топиб, эвини қилаётган айрим хонадон эгалари томорқаларидан уддабуронлик билан фойдаланиб, рўзғорларини бут, турмушларини фаровон қилмоқдалар. Буни мисоллар билан исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳар бир қишлоқ маҳаллаларида кафтдекгина томорқасини йил бўйи яшнатиб, рўзғорини бемалол тебратаётган оилалар кўплаб топилади.

Энди тасаввур этиб, мушоҳада қилиб кўрайлик. Ҳафсаласизлик, эринчоқлик қилиб, томорқасига маккажўхоридан бошқа нарса экмай, ернинг умрини зое кетказаётган, нақд бойликни қўлдан чиқараётган хонадон эгалари ҳам уддабурон қўшнилари, маҳалладошларидан ўрнак олиб, ҳаракат қилиб, бир йилда икки-уч бор бозорбоп, рўзғорбоп экинлар экишса, маҳаллада, қишлоқда даромадсиз оила қолмаслиги аниқ. Демак, оила тўқ – юрт тўқ.

Шуни ҳисобга олиб вилоятда яна бир хайрли ишга қўл урилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамда акциядорлик-тижорат банклари вилоят бошқармалари вакиллари иштирокида аҳоли томорқаларига экиш учун турли сабзавот, полиз экинлари ва картошка уруғларини хонадонларга етказиб берадиган кўчма автодўконлар ташкил этилиб, етарлича «Дамас» автомашиналари ажратилди.

Уруғлар бевосита жойларга етказилиб, ҳужжатлар ўша ернинг ўзида расмийлаштирилади, яъни уруғлик 14 фоиз устама ҳақи билан бир йиллик муддатда қайтариш шарти асосида насияга тарқатилади.

Бу хайрли ишнинг аҳолига қулайлиги ва фойдалилиги шундаки, барча уруғликлар сара бўлиб, сифати кафолатланган. Бундан ташқари уруғ ва кредит миқдори чекланмаган. Демак, хонадон эгалари ўз эҳтиёжларига қараб, хоҳлаганларича олишлари мумкин.

АНГРЕН шаҳар ҳокимлигида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Хусусий уй-жой мулкдорлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

МУАММОЛАР ҲАМКОРЛИКДА ЕЧИЛАДИ

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласини ўрганиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ангрен шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жойлардаги вакиллари, ушбу соҳа олимлари ва мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари республика Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари муаммолари ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги масалаларини муҳокама этиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён этдилар.

Тадбир сўнгида қизғин тус олган савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар айрим муаммоларнинг ечими масаласига ойдинлик киритди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида янги авлод кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, турли соҳаларда фаолият олиб бораётган ёш раҳбарлар ҳамда раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш соҳаси мутахассислари иштирок этди.

ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИ

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб берадиган юксак малакали янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласига мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ катта эътибор бериб келинаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг "Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир" дастурий маърузасида ҳамда халқ депутатлари Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқларида янги авлод кадрларини тайёрлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эканига яна бир бор алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати доирасида янги авлод кадрларини тарбиялаш ва қайта тайёрлаш, иқтисодий ислоҳотлар ва замонавий раҳбар кадрларни тарбиялаш ҳамда маҳоратларини оширишнинг долзарб вазифаларига оид мавзуларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

ЎзА.

СУВ МАНБАЛАРИНИ ҚАНДАЙ БОШҚАРАМИЗ?

ТОШКЕНТДАГИ «Атроф-муҳит» ахборот марказининг ташаббуси билан журналистлар ҳамда эколог-лар учун «Сув манбаларини қандай бошқариш керак?» мавзусида Юқоричирчиқ туманидаги сув иншоотлари бўйлаб медиа-тур ҳамда давра суҳбати уюштирилди.

Ахборот марказининг «ОАВ ва жамият учун экологик билим» лойиҳаси доирасидаги ушбу тадбир Марказий Осиё давлатлараро сув хўжаликлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг илмий-ахборот маркази, Марказий Осиё ва Кавказ глобал сув хўжалиги ташкилоти, «Сирдарё» сув хўжаликлари ҳавзалари уюшмаси ҳамда сув манбаларини бошқариш халқаро институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Аҳолининг экологик билимини ошириш учун маҳоратли эколог ҳамда журналистларнинг ҳаракатларини бирлаштириш мақсадига қаратилган медиа-тур кутилганидан ҳам жонли ва қизиқарли ўтди. У Юқоричирчиқ туманидаги сув иншоотларини бориб кўриш, иш фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди.

Тадбир сўнгида ўтказилган давра суҳбатида сув манбаларини бошқариш усуллари, ҳозирги кунда сув хўжаликларининг аҳволи ҳамда соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилди.

Хурриият МЎМИНОВА.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ШУҲРАТ ФЕРМЕРНИНГ РЕЖАСИ ПУХТА

ШУҲРАТ Субанов роппа-роса ўн йил муқаддам Қуйичирчиқ туманидаги Беруний номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида «Шуҳрат-2» фермер хўжалигини ташкил этди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўғитлардан унумли фойдаланиш, энг муҳими ерга чин дилдан меҳр қўйиш натижасида ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борди.

2007 йили фермер бошчилигидаги хўжалик аъзолари 60 гектар ердан давлатга 183 тонна пахта топширдилар. Шунча майдонда ғалла етиштирган деҳқонлар 45 центнердан ошириб ҳосил кўтаришди. Олинган соф даромад 15 миллион сўмдан юқори бўлди.

Фермер хўжалигини ривожлантириш, моддий шарт-шароитларни яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Чунончи, 2006 йилда «Осиё тараққиёт банки» лойиҳаси асосида 85 минг АҚШ доллари миқдорида «Пахтабанк»дан олинган кредит эвазига «Класс» русумли комбайн сотиб олинди. Унинг афзаллиги шундаки, бир мавсумда 500-600 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб бера олади. Шунинг учун бўлса керак, Шуҳрат фермернинг комбайни ҳудуддаги қўшни хўжаликларга ҳам баҳоли қудрат кўмак бериб келмоқда.

Шуҳрат Субановнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан Беруний номидаги фермерлар уюшмасида Қишлоқ бизнес маслаҳат марказининг филиали иш бошлаш арафасида. Ҳозир филиалнинг биноси бунёд этилиб, зарур замонавий асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланмоқда. Филиал ишга тушиши билан ҳудуддаги фермерларга катта қулайлик яратилади. Биринчидан, деҳқон-фермерларга зарур тавсияномалар, маълумотлар, маслаҳатлар узлуксиз бериб борилса, иккинчидан, фермерларнинг замонавий техникалардан ўз вақтида хабардор бўлиб туришига ҳамда кредит олиш жараёнларига кўмаклашади.

– Бу йилги режаларимиз янада катта, – дейди Шуҳрат Субанов. – Пахтадан камида 35-40, буғдойдан эса 50 центнердан ошириб ҳосил олмоқчимиз. Имкониятимизни чамалаб кўриб, «ХТЗ-181» русумли занжирли трактор сотиб олишни ҳам режалаб қўйганмиз. Ёшлар йили муносабати билан эса 10 та янги иш ўринлари яратамиз.

Айни кунларда баҳорги юмушлар, экин-тикин ишлари авжида. Баҳордан қилинган хатти-ҳаракатлар келгусида кутилганидек самара бериши шубҳасиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига, Тошкент вилояти, Пскент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент тумани судининг17.09.2007 йилдаги 176-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани, Туркистон ф.х.ю., Оқтепа қ.ф.й.да сақланаётган, "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11Q6190 бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 993 000 сўм.**

2. ФИБ Ўртачирчиқ туманлараро судининг13.09.2007 йилдаги 4443-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани, "Автотранс Асадбек" ХҚда сақланаётган, "ГАЗ-31029" русумли, д/р 11АК014 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 4 279 000 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йил 6 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. Шунингдек, 2008 йил 22 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига:

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг16.04.2007 йилдаги 2-37-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўртачирчиқ тумани. Қорасув қўрғонида сақланаётган, "Джип-ESCALADE" русумли, д/р М077МРМ бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 10 800 000 сўм.**

Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Қуйидаги кўчмас мулкнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилинган, "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 19.03.2008 й. 22-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент тумани Келес шаҳридаги "Тинчлик" кинотеатри аукцион савдосидан олинди. Савдодан олишга асос: Тошкент тумани суд ижрочиларининг 24.03.2008 йилдаги 12-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. Тел: 228-79-52.
www.rkmb.uz

XXI аср ва ДУНЁ

АЭРОПОРТЛАР КЎПАЯДИ

Хитой ҳукумати 2020 йилга бориб мамлакатда юзга яқин аэропорт қуриш ниятида. Маълумотларга кўра, 2010 йилда аэропортлар сони қарийб икки юзга, 2020 йилга бориб эса салкам икки юз элликка етади.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, янги ҳаво дарвозаларини барпо этиш учун тўрт юз эллик миллиард юан (олтмиш тўрт миллиард АҚШ долларига тенг) миқдорида маблағ сарфланади.

ГИБРИД – КАМҲАРЖ

Японияннинг "Тойота моторс" корпорацияси жорий йилда гибрид (дизель-электр) двигателли автомобиль ишлаб чиқаришни олтмиш фоизга ошириш ниятида эканини маълум қилди. Хабарларга қараганда, компания 2007 йилда икки юз саксон минг дона "гибрид машина" ишлаб чиқарган. 2008 йилда мазкур кўрсаткични тўрт юз эллик мингга етказиш режалаштириляпти.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу автомобилларнинг афзаллиги шундаки, улардаги двигатель ёнилғини 30-60 фоиз тежаш имконини беради.

"ТАТА"НИНГ ХАРИДИ

Ҳиндистоннинг "Тата" автомобилсозлик компанияси АҚШнинг "Форд" компаниясига тегишли "Ягуар" ва "Лэнд Ровер" автомаркаларини сотиб олди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, "Тата" уларни 2,3 миллиард АҚШ долларига харид қилган. Мутахассислар бугунги кунда Ҳиндистон автомобилсозлик соҳаси изчил тараққий этаётганини таъкидлашмоқда.

Хабарларга кўра, "Форд" компанияси "Ягуар"ни 1989 йили 2,5 миллиард АҚШ доллари, "Лэнд Ровер"ни эса 2000 йили 2,75 миллиард доллар эвазига ўзлаштирган. Даромад келтирмагани боис молиявий қийинчиликларга учраган компания уларни сотишга қарор қилган.

ПЕШТАХТАГА ҚЎЙИЛМАЙДИ

Буюк Британия ҳукумати мамлакат дўконлари ва бозорларининг расталарига тамаки маҳсулотларини қўйишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундан кўзланган асосий мақсад харидорларга сотувдаги мазкур маҳсулотни кўрсатмаслик орқали чекувчилар, айниқса, ёшлар орасида унга бўлган талабни камайтиришдан иборат.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг эътирозига қарамай ушбу ҳужжат тез орада кучга кириши кутилмоқда.

ЎзА.

ЕТУКЛИК ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ



МАМЛАКАТИМИЗ ёшларини ҳарбий ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Кенгашнинг сўнгги етти йиллик фаолиятига назар соладиган бўлсак, автомобиль мактабларида Қуролли Кучлар учун ҳарбий техник мутахассислар ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларига оммавий касб эгаларини тайёрлаш, шунингдек, спортнинг техник-амалий турларини ривожлантириш каби мақсадли йўналишларда салмоқли ютуқларга эришилганлигини кўрамиз.

Ҳозирги кунда вилоятда 19 та шаҳар ва туман кенгаши, 4 та автомобиль мактаби фаолият юритмоқда. Тизимдаги мавжуд 1275 та бошланғич ташкилотга 59497 фаол аъзолар бирлашган.

– Ўтаётган ҳар бир йил ўз мазмун-моҳиятига эга, – дейди «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси Каримжон Ваҳобов. – Ижтимоий ҳимоя йилида еттита устувор йўналишдан иборат давлат дастури, аввало, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ вазифаларнинг фаоллашувига хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Дастур доирасида давлатимиз томонидан аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш орқали даромад манбаини барқарорлаштириш борасида, айниқса, кўламли ишлар қилинди.

Шулар қаторида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг шаҳар ва туман кенгашлари ҳам бу хайрли ишларга фаол бош қўшдилар. Жумладан, Бекобод шаҳрида ўтказилган «Саховат» акцияси ҳамда аёллар байрами муносабати билан ташкил этилган хайрия тадбирларига 100 минг сўмга яқин маблағ ажратилди. Юқоричирчиқ туман кенгаши томонидан ташкилот оталиғидаги кам таъминланган оила фарзандларига 16 минг сўмдан 30 минг сўмгача мурувват ёрдами кўрсатилди.

Вояга етмаган ва тарбияси оғир болалар билан ишлашни кучайтириш, уларни фойдали машғулотларга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шулардан 7 нафари спортнинг ёзги биатлон тури бўйича вилоят биринчилиги мусобақаларида қатнашди. Шунингдек, ўқ отиш бўйича Қибрайда ўтказилган шахсий биринчилик мусобақаларида 25 йигит-қиз иштирок этиб, яхши натижаларга эришди.

Республика Президентининг «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига жавобан вилоят мудофаа ишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида дастурий режа ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 сентябрдаги «Мудофаа Вазирлиги, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятни ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида юқоридаги ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2006-2007 ўқув йилида ҳарбий таълим курсантларини ўқитиш жараёнида транспорт воситаларидан оқилона фойдаланиш, амалий кўникмаларни ҳосил қилиш яхши йўлга қўйилди. Ҳарбий йўналишга алоҳида эътибор берилиб, ҳарбий Низом талабларини ўргатиш мактаблар фаолиятига киритилди. Жисмоний ва умумҳарбий машғулотларда ҳарбий интизомга бўйсуниш, оммавий зарарланишда ҳимоя жиҳозларидан тўғри фойдаланишни ўргатиш бўйича яхши натижаларга эришилди.

Ўтган ўқув йилида вилоят кенгаши тасарруфидаги ўқув ташкилотларида Қуролли Кучлар учун 9 соҳа бўйича 651 нафар ҳарбий мутахассислар тайёрланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари имтиҳонини биринчи галда топширганлар вилоят бўйича 90 фоизни ташкил этди.

Ўқув муассасаларининг ўқув-моддий негизини такомиллаштириш бўйича ҳам кўзга кўринарли ишлар олиб борилди. Жумладан, барча ўқув муассасаларининг синфхоналари қайтадан жиҳозланди. Ангрен автомобиль мактабида чақирилувчиларни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш мақсадида янги тўсиқли йўлакча, Чирчиқ автомобиль мактабида Қуролли Кучларга ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган замонавий янги ўқув биноси барпо этилди. Мазкур бинода минтақавий кенгаш раисларининг ҳарбий таълим бўйича ўринбосарлари, ўқув муассасалари бошлиқлари иштирокида республика миқёсидаги ўқув-услубий йиғин ўтказилди.

2006 йилнинг 6-9 август кунлари Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди спорт мажмуасида ўтказилган республика мусобақасида вилоят вакиллари 16 та жамоа орасида 1-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Ўқув муассасаларида ёшларнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун улар ўртасида тасдиқланган тақвим-режага асосан турли спорт мусобақалари ташкиллаштирилмоқда. Уларнинг энг нуфузлиларидан бири чақирилувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳарбий-амалий кўпкурашдир. Ушбу спорт турининг бошқаларидан фарқи шундаки, унда ёшлар бир вақтнинг ўзида 10 га яқин, яъни енгил атлетика, ўқ отиш, автомобиль ҳайдаш ва сузиш каби спорт амалларини бажарадилар. Бу эса спортчидан катта жисмоний тайёргарликни ва чаққонликни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят кенгаши ташкил топган 2000 йил якунлари бўйича республикада 13-ўринда бўлган бўлса, 2003 йил натижалари бўйича 1-ўринни эгаллади. Албатта, бунинг замирида белгиланган вазифаларни изчил ижро этиш йўлидаги фидокорона меҳнат ётибди.

Сир эмас, оилада тарбияланаётган ҳар бир фарзанднинг ўзига хос қобилияти ва истеъдоди бўлади. Уни вақтида пайқаш ва рўёбга чиқаришдек муҳим вазифа нафақат ота-она, балки бутун жамоатчиликнинг бурчидир. Шу мақсадда «Ватанпарвар» ташкилоти жойлардаги мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари билан узвий ва режали ишлар олиб бораяпти.

Жумладан, «Ўзбекистон: жамият ва армия», «Жамиятдаги барқарорлик – Ўзбекистонни янада ривожлантириш кафолати», «Мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлик – осойишта ҳаёт ва тараққиёт гарови» мавзуларида таниқли олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида ўтаётган семинар ва учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, Тошкент Давлат Аграр университети, вилоят давлат педагогика институти, Олмалиқ кон-саноат касб-ҳунар коллежи, Ангрендаги 29-умумтаълим мактаби ҳамда бир қатор маҳаллаларда шу мавзуда ўтказилган тадбирлар иштирокчиларнинг фаоллиги ва баҳс-мунозараларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, ходимларнинг касб тайёргарлигини оширишга йўналтирилган «Энг илғор туман кенгаши раиси», «Энг малакали ўқув муассаса раҳбари», «Энг яхши туман кенгаши», «Энг моҳир ўргатувчи-уста», «Энг яхши бошланғич ташкилот», «Энг тажрибали устоз» йўналишларида танловлар ўтказилмоқда.

Яқинда Наврўз байрами муносабати билан жойларда бўлиб ўтган тадбирларда ёш ватанпарварлар томонидан тайёрланган янги авиамоделлар кўргазмаси ва мусобақалар ташкил этилди. Спортнинг бир қатор техника-амалий турлари бўйича мусобақалар уюштирилди.

– Қуролли Кучларимизни малакали техник кадрлар билан таъминлаш, яъни ҳайдовчилар тайёрлаш масаласида автомактабларимизнинг моддий-техник аҳволини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти, – дейди К. Ваҳобов. – Шу мақсадда бу йил автомактаблар учун «ЎзДЭУ» корхонасидан 10 та енгил машина олиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, яқин келажакда вилоятимиз қишлоқ хўжалиги учун трактор ҳайдовчилари тайёрлаш курсларини очиш кўзда тутилган. Бу ҳаракатлар, албатта, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилади.

ШАРОИТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ЕТАРЛИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар қилиб тарбиялашда спортнинг нуфузи катта. Шу жиҳатдан мамлакатимизда бу соҳага эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Комбинатимиз мисолида айтадиган бўлсак, қарийб 25 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган кончилик тизимида «Металлург» спорт мажмуаси ва унинг жойлардаги марказлари соҳа ишчи-хизматчилари ва уларнинг фарзандлари орасидан малакали спортчилар етишиб чиқишига хизмат қилиб келаяпти.

Ёшлар йили муносабати билан Наврўз байрами арафасида мотокросс бўйича республика чемпионатининг иккинчи босқич мусобақалари айнан шаҳримизнинг дала шароитида ташкил этилган Қалмоққир спорт майдонида бўлиб ўтганлиги ҳам мезбон, ҳам тадбир иштирокчиси сифатида биз, олмалиқликларни жуда қувонтирди.

Тадбир мукаддимасида комбинатимизга «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг спортнинг техник амалий турларини ривожлантириш ва оммалаштириш борасида 2007 йил якуни бўйича «Энг яхши ташкилот» дипломи ҳамда совғалари топширилди.

Қозоғистон ва республикамизнинг ўндан ортиқ вилоятлари вакиллари иштирокида икки кун давом этган мотокросс мусобақаларида спортчиларимиз вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Албатта, ютуқ ўзўзидан бўлмайди. Аввало, жамоага малакали ва маҳоратли спортчилар бирлашмоғи лозим. Иккинчидан, спорт техникаси соз ва мукаммал бўлиши керак. Комбинат ҳисобидан ўтган йили Японияннинг «Хондо» спорт техникаларидан 10 та олинган эди. Бу йил яна шунча мотоцикл ажратилиши кўзда тутилган.

Мусобақаларда қатнашиш, спортчиларнинг билим ва маҳоратларини ошириб боришда биз «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг услубий ва амалий кўмагини ҳамиша ҳис қилиб турамиз. Олдимизга қўйилган асосий мақсад, спортнинг техник-амалий турлари бўйича ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя этиш ва доимо олдинги ўринларда бўлишдир. Бунинг учун бизда шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

Андрей САЗОНОВ,
«Олмалиқ конметаллургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмасининг спорт-техника клуби раиси.

ВАТАНПАРВАР

СУРАТЛАРДА: «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси Каримжон Ваҳобов (ўртада) жамоа аъзолари билан «Ёшлар йили» дастури хусусида суҳбатлашмоқда; кенгаш қошидаги ўқув спорт-техника шўъба корхонаси директори Борис Лышик фаол курсантларга мукофотлар топширяяпти; Юқоричирчиқда ўтказилган давра суҳбати туман ёшларида катта таассурот қолдирди.





ЁШЛАР МАҲАЛЛАДА ЧИНИҚИШАДИ

МАЪЛУМКИ, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод руҳида, менталитетимизга ёт бўлган турли зарарли оқимларга қарши кураша оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган ватанпарвар инсонлар қилиб вояга етказишда маҳалла, мактаб, оила, шунингдек, жамоат ташкилотларининг аҳамияти беқиёс.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят, шаҳар ҳамда туман кенгашлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими билан ҳамкорликда йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш, «Ҳарбийлар – маҳалламиз меҳмони», «Чақириққача ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг долзарб вазифалари» каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар иширокчиларда илиқ таассурот қолдираяпти.

Шунингдек, жамиятимизда ва Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чақириққача бўлган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ишлари «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгашлари ҳамда мудофаа бўлими вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилаяпти.

Бундан ташқари, маҳалламиз ёшлари спортнинг техник-амалий турлари бўйича ҳам машғулотларда фаол иштирок этишади. Анъанага айланган спорт мусобақаларидан бири – кўпкураш бўйича маҳаллалар ўртасидаги беллашувларга айни вақтда тайёргарлик кўрилаяпти. Ўтган йили туман спорт-техника клуби ташаббуси билан кўпкураш бўйича ўтказилган мусобақаларда Ғафур Ғулом, Зебунисо, Фурқат, Беруний, Шодлик, Янгиобод маҳаллалари спортчилари иштирок этишди. Ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва спорт кийимлари топширилди.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай мусобақалар, аввало, йигитларимизнинг кучли, иродали ва идрокли бўлишларига замин яратади. Баркамоллик эса юрт истиқболини, равнақини белгилайди.

Бахтиёр УСМОНОВ,
Қибрай шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

КЕЧАГИДАЙ кўз ўнгимда. Катта йўл бўйидан мактабга қатнардик. Баъзан акаларимдан олдин йўлга отланардим. Чунки, оғир юк ортган машиналар карвони мурғак қалбимда келажакда ҳайдовчи бўлиш истагини уйғотган эди.

Мактабни тамомлагач, биз, тенгдошлар ҳар биримиз танлаган касб бўйича ўқишга кирдик. Мен туманимиздаги ўқув спорт-техника клубининг тингловчиси бўлдим.

Тўғри, ҳозир ҳайдовчилар тайёрлайдиган даргоҳлар кўп. Айниқса, тижорат шаклида фаолият юритаётган хусусий корхоналар ўртасида соғлом рақобат вужудга келди. Табиийки, бу ўқув-амалиёт ишларининг сифати ва самарадорлигини оширади.

Давлатимиз томонидан биз, ёшларнинг таълим олишимиз, касб эгаллашимиз, изланиш ва интилишларимизнинг рўёбга чиқиши йўлида яратилган имкониятлар чексиз. Биз, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоя қилишга доир қатор қонуний ҳужжатлар ҳар биримизнинг комил инсон бўлиб етишишимизга, жамиятда муносиб ўрин эгаллашимизга кўмаклашади.

Жаҳонгир СИДДИҚОВ,
Бўстонлиқ тумани ўқув спорт-техника клуби тингловчиси.

Саҳифани Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шоҳида БОБОХОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Мунаввара ИСОҚУЛОВА тайёрлашди.

Мактуб

ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ШУКР

УЗОҚ давом этган касаллик оқибатида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолдим. Бир этак болалар тарбияси билан бўлиб, турмуш ўртоғим ҳам вақтинча ишга чиқолмади. Аёлим уй меҳнати билан шуғулланиб, болаларбоп чопон, нимча, дўппи тикиб, сотяпти.

Давлатимиз томонидан биз каби кам таъминланган оилаларга доимий ёрдам кўрсатиб келинаяпти. Ҳозир бир бош соғин сигир, ўндан ортиқ товуғимиз бор. Дастурхонимиздан сут, қатиқ, қаймоқ ва тухум аримайди. Булар рўзғор баракаси, бола-чақанинг ризқи. Ич-ичимдан дориломон кунларга шукроналар келтираман.

Ижтимоий ҳимоя йилида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимининг ҳомийлиги, бегараз ёрдами билан уч яшар ўғлим Азаматнинг хатна тўйини ўтказдик.

Албатта, бу ғамхўрликларга жавобан, фарзандларимни Ватанга, юртга садоқатли, меҳнатсевар, бир сўз билан айтганда, комил инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Комил ҚОБУЛОВ,
Янгийўл шаҳри.

ПОЙГА ЯКУНЛАНДИ

ТОШКЕНТ шаҳри ва вилояти йўлларида авторалли бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада юртдошларимиздан ташқари Россия ва Қозоғистондан ҳам спортчилар иштирок этди.

Пойтахтимиздан старт олган автомобиллар Паркент ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудуди бўйлаб, жами 225 километрли масофани босиб ўтди.

Якуний натижаларга кўра, пойтахтликлар биринчи, қашқадарёлик спортчилар иккинчи ўринга сазовор бўлди. Самарқандлик авторалличилар эса, учинчи ўринни банд этди. Жамоалар ўртасида "Осиё Рейсинг Тим" жамоасига тенг келадигани топилмади.

ЎзА.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР БАҲСИ

ФАРҒОНАДА стол тенниси бўйича мамлакат биринчилигида 19 ёшгача бўлган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Римма Гуфранова мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди. Эльвира Кагирова кумуш, Нодира Бурхонхўжаева бронза медаль билан тақдирланди.

Ўғил болалар ўртасида шоҳсупанинг энг юқори поғонаси пойтахтлик Евгений Грудскийга насиб этди. Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Зоҳид Кенжаев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, пойтахтнинг яна бир вакили Григорий Драг беллашувларни кучли учликда якунлади.

ОЛМАЛИҚДА ҚЎЛ ТЎПИ

ОЛМАЛИҚ шаҳрида хотин-қизлар ўртасида гандбол бўйича давом этаётган Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур беллашувлари якунланди.

Мамлакатимизнинг энг кучли жамоаси – "Алгоритм" (Тошкент) мазкур босқичда ҳам чемпионликка асосий даъвогар эканини исботлади ва шоҳсупадан жой олди.

Олмалиқлик гандболчи қизлар пешқадамга имкониятни бой берганига қарамай, қолган барча учрашувларда муваффақият қозонди. "Ўзбекистон Миллий университети"дан 48:15, "Урганч олимпия захиралари спорт коллежи"дан 40:12, "Баркамол"дан 27:10, "Андижон олимпия захиралари спорт коллежи"дан 46:24 ҳисобида устун келиб, 28 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

ЧИРЧИҚЛИК ҚИЗЛАР ҒОЛИБ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "Умид" болалар спорт мажмуида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти филиали томонидан бадиий гимнастика бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Спортнинг нафис тури бадиий гимнастика бўйича бўлиб ўтган бу галги турнирда вилоятнинг 1998-2003 йилларда туғилган 126 нафар қиз ўз маҳоратини намойиш этди. Мусобақа якунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Чирчиқ шаҳридан келган қизларга, иккинчи ўрин Зангиота тумани спортчиларига, учинчи ўрин бекободликларга насиб этди.

ПОЛВОНИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида таниқли мураббий – Маъмур Рўзиев устозлик қилаётган эркин курашчиларимиздан Курбон Курбонов ўзини кўрсатди.

Истеъдодли полвонимиз вазни 96 килограмм бўлган курашчилар баҳсида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионлигига сазовор бўлди.

Эркин кураш беллашувларида қатнашган ҳамюртларимиздан Увайс Тўлаганов ва Абдул Аммаев бронза медаль билан тақдирланди.

ЎзА.

ТАНЛОВДА ЁШ ИЖОДКОРЛАР

ТОШКЕНТ Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташаббуси ҳамда "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Ёшлар иллатларга қарши" мавзуидаги плакатлар кўрик-танлови ўтказилди.

Танловга тақдим этилган элликдан ортиқ ижодий ишда ёш мусаввирлар ўз тенгқурларининг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллатимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳурмат туйғусини янада мустаҳкамлашга даъват этгани билан аҳамиятлидир.

Кўрик-танлов якунига кўра мазкур олий таълим даргоҳининг талабаси Арина Агороньян Гран-при соҳиби бўлди.

ЎзА.

Шеърият

Абдулла Маъдиев «Оққўрғон овози» газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шу билан бирга ўз фикр-мулоҳазаларини шеърий усулда баён этишга интилади. Қуйида муаллифнинг янги машқларидан намуналар келтирамиз.

АЙРИЛИҚ

Сен мен учун кенг фалак,
Кўкда ёнган ой-малак.
Етолмасдан мен ҳалак,
Кўкда қолган қўлларим.
Сен саробга ўхшайсан,
Мен харобга ўхшайман.
Изингда зор қақшайман,
Айро тушган йўлларим.

Сен суйганда гул бўлдим,
Кетганингда кул бўлдим.
Ҳажр ўтига қул бўлдим,
Фақат сенда ўйларим.
Дарди бор ёр йиқлайди,
Қалбимда ор йиқлайди.
Қўлимда тор йиқлайди,
Муҳаббатдан куйларим.

БУЮК МЕРОС

Ўғил чин муҳаббатни,
Отадан олғон экан.
Қиз қалбига севгини,
Онаси солғон экан.
Бу ҳис асли азалдан
Ярми Одам атодан,

Ярми Момо ҳаводан
Бизга аталғон экан.
Шу муҳаббат, шу севги,
Мангуга қолғон экан.
Муҳаббат йўқ, севги йўқ
Дегани ёлғон экан.

ГУМОН

Армонларда яшадим,
Гумонларда «сир» кўрдим.
Ҳар қадам босишингда,
Тирноғингда «кир» кўрдим.
Гумон шундай учқурки,
Ҳатто шамол етолмас.
Давоси йўқ дард экан,
Ҳеч бир даво кор қилмас.
Ишонч билан яшагин,
Ишонч бўлса гумон йўқ,
Иймонли бўл, гумон қилган,
Кимсаларда иймон йўқ.

Абдулла МАЪДИЕВ.

МАНЗАРА

Турфа ранг гуллардан либослар кийиб,
Товусдай товланар гулбадан баҳор.
Интиқ юракларда илинж уйғотиб,
Ажиб бир насимлар эсар ҳар саҳар.

Чечаклар юз очиб, чирой кўрсатиб,
Ҳақнинг санъатига ҳавас уйғотар.
Қалдирғоч «Валфажр» сурасин ўқиб,
Аҳли ишқ дарсида зикр ўргатар.

Кўм-кўк майсазорда лола олови,
Гулкоса тўла май, мастдир булбуллар.
Тилида қаҳ-қаҳа, қўлда ялови,
Самонинг кўзёши ерга дувуллар.

Шамоллар фош этар чучмома сирин,
Хушбўй ис таралар, туйғулар ҳафиф.
Муҳаббат туғёни дилда яширин,
Шудир «келинчак»ка берилган таъриф.

Абдуғани СУЛАЙМОН.

Tafakkur gulshani

SHIRIN VA ACHCHIQ

Shirin so`z - savob, achchiq so`z - azob.
* * *
Og`ir dard oyoqdan chalar, shirin so`z dardingni olar.
* * *
Oz so`zlash - saxovat, ko`p so`zlash - xurofot.
* * *
Qaysi til so`zlasa yolg`on, to`g`risi -
Shu tilning egasi tinchlik o`g`risi.
* * *
O`rinli so`z - hurmat-izzat kaliti,
O`rinsiz so`zlaydi odamning palidi.
* * *
Yaxshi so`z quloqqa yarashgan sirg`a,
Yomon so`z badanga bosilgan tamg`a.
* * *
Andava suvoqni qilgandek silliq,
Bilim g`aliz so`zni qilur chiroylik.
* * *
Har bir kishining kechmish-kechirmishlari turli-tuman quroqlardan tikilgan to`nga o`xshaydi.
* * *
Dahshatli bo`ronu dovullardan qo`rqmasang ham g`iybat degan jirkanch illatdan qo`rq.
* * *
Munofiqlik bilan makkorlik yomonlik xanjarining ikki yuzidir.
* * *
Hurmat so`qmog`iga kirsang kirki, mag`rurlik va manmanlik ko`chasiga zinhor-bazinhor kira ko`rma.
* * *
G`aflatu loqaydlik o`lim sharpasi,
Shaytoni lainning sovuq nafasi.

Hasan OTAQULOV.

Qatra

SABOQ

Ikki qo`shni yarim metr er talashib, hech kelisholmasdi. Mahalla oqsoqollari, qariyalar ham aralashishdi, nasihat qilishdi, nafi bo`lmadi. Ikkisi o`zicha haq edi.

– Bu er meniki, – derdi birinchi qo`shni.

– Agar shuni ololmasam, otimni boshqa qo`yaman, – derdi ikkinchisi.

Navbatdagi janjal ertalabdan boshlandi. Baqir-chaqir, so`kish-qarg`ish. Bunga mahalladagilar ko`nikib ham qolishgandi.

Birdan shovqin-suron tindi. Avtohalokatga uchragan 20 yashar yigitning janozasiga aytib ketishdi.

Ikki qo`shni janozaga, so`ngra qabristonga borishdi. Yonma-yon turib, qabrga bir siqim tuproq tashlashdi.

Qabristondan qaytishda biri ikkinchisiga dedi:

– Odam bolasining qismati shu ekanda, qo`shni.

– Aslida hammamizning kelar joyimiz shu er, – dedi ikkinchisi.

Janjalga nuqta qo`yildi. Talash bo`lgan erga qirq og`ayni atirgulini ekishdi. Gul shunday baravj o`sdiki, bir yilda har ikkala qo`shnining tomigacha yoyilib ketdi. Bamisoli qip-qizil baxmal. Ko`rganning zavqi kelardi...

Jambul QURBONBEKOV.

Об-ҳаво

Республика гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 2 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Муштарий мактублари

УСТОЗЛАР ЙЎЛИ



Яқинда «Озод Шарофиддинов замондошлари хотирасида» китобини ўқиб қолдим. Унда атоқли адабиётшуноснинг ҳаёти ва ижоди замондош ҳамкасблари, буюк ёзувчи ҳамда шоирлар, олимлар томонидан кенг талқин этилган...

Китобда адибнинг инсоний фазилатлари тилга олинганда унинг мутолаа қилишни яхши кўриши алоҳида таъкидланган. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиёти ва жаҳон адабиётига бўлган иштиёқини ҳар бир мақола муаллифи мароқ билан тилга олган.

Озод Шарофиддиновнинг шундай буюк адабиётшунос бўлиб етишишига китобсеварлиги, кўп мутолаа қилиши сабаб бўлган дейиш мумкин.

Хўш, бугун биз ёшлар китобга қай даражада қизиқамиз? Шу кунгача қанча китоб ўқидик? Ундан ўзимиз учун қандай маънавий озуқа олдик?

Шу саволларга бугун тенгдошларим орасидан жавоб излар эканман, аксарият ҳолларда ёшларнинг китобдан кўра енгил-елпи нарсаларга қизиқиши ортиб бораётганлигини кўраман. Айниқса, улар орасида интернет тармоғидан фойдаланиш кенг қулоч ёйиб бормоқда. Албатта, интернет маълумотларга жуда бой. Аммо бу манбадан тўғри ва самарали фойдаланиш лозим. Бироқ айрим ёшлар, айниқса, талабалар ундан нотўғри фойдаланишмоқда. Реферат ва илмий ишларни тайёрлашда интернетдаги маълумотларни шундоққина кўчириб қўйишяпти. Бу билан, аввало, улар ўзларини алдаётганларини наҳотки тушуниб етишмаётган бўлса?

Китоб ўқиб, изланиб олинган билим инсонга умри давомида ҳамроҳ бўлади. Юқоридаги каби кўркўрона иш тутиш эса охир-оқибат саводсизликни келтириб чиқаради.

Ёшлар буни чуқур ҳис этишлари, қолаверса, буюк шахсларнинг ҳаёт йўлларини ўқиб-ўрганишлари, уларнинг машҳурлик даражасига етиш йўлида чеккан заҳматларини ҳис этишлари лозим. Китоб хоҳ бадиий, хоҳ илмий бўлсин, барчаси инсон маънавияти ва маърифати ривожига хизмат қилади. Қолган барча гап ўзимизда, истак ва иштиёқ бўлса бас, кўзланган марраларни, албатта, забт этиш мумкин.

Назокат МИРЗААҲМЕДОВА.

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАЙЛИК

1961 йили Бўстонлиқ туманининг Хўжакент қишлоғида фожиа юз берди. Қишлоқнинг ярим аҳолиси ва уйжойлар тоғ кўчкиси остида қолди. Шундан кейин одамлар Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғига кўчирилди.

Орадан йиллар ўтди. Бугун бу қишлоқ ўрнида дала ҳовлилари қуриш авж олиб бормоқда. Бу эса турли зиёратгоҳлару қабристонларни ҳам оёқ ости қилишга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, «Кўк тўнли ота» зиёратгоҳи ва у ердаги қабристоннинг келажаги бизни ташвишга солаяпти.

Аслида қишлоқ худудида иншоот қуриш хавфли. Чунки, кўчки хавфи ҳамон кучли. Тадбиркорлар эса бу ерда турли дам олиш масканлари ташкил этиш ҳаракатига тушиб қолишган. Энг қизиғи, қабристон ва зиёратгоҳларни ҳам ўраб олишмоқда. Эндиликда у ерга кириш учун ҳам улардан рухсат олишимиз лозим экан.

Ҳордиқ чиқариш масканларининг борлиги яхши. Аммо, туб аҳолининг манфаатларига зид иш тутиш тўғримикин?

Аъзам ЭРГАШЕВ, меҳнат фахрийси.

ҚИЗНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Ибо-ҳаё – аёллик зийнати. Уни асраб-авайлаш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас экан. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ёши қирқлардан ошиб қолган аёл кўчани тўлдириб бораяпти. Ёнатрофдагиларнинг кўзи ўша аёлда. Катталар унга нафрат кўзи билан қарашса, ёш-яланглар-нинг назарлари ўзгачалиги шундоқ сезилиб турарди...

– Шарм-ҳаёли бўлишни ҳамма ҳам эплай олмайди, – деди ёнимдаги ҳамроҳим ҳалиги аёлнинг беҳаё кийимига ишора қилиб. – Кунлар сал исиди дегунча, шунақалар ечинишни бошлайди. Ахир кўчада ҳар хил одам бор. Айниқса, ўсмир йигитлару эркакларнинг эътиборини тортиб, бу алфозда юриш аёлларга нимага керак экан-а?

Дарҳақиқат, аёллар, айниқса, ёш қизлар бундай беўхшов кийиниши бошқаларга ҳам юқиши ҳақида наҳотки ўйлаб кўришмаса? Наҳотки, ота-оналар фарзандларининг шундай беҳаё кийинишларига бемалол йўл қўйиб беришса?

Абдукарим МУХТОРОВ.

ХАЗИНАНГНИ БОЙ БЕРМА

Ҳаётлик пайтида ота-онасининг розилигини олмаган фарзанд ҳеч қачон кўкармайди. Бу ҳаётда исботланган ҳақиқат.

Яқинда ота-она дуосини ололмай, охир оқибат надоматда қолган ана шундай бир фарзанд ҳақида эшитиб қолдим.

– У асли Тошкентга ўқишга келганди, – дейди бу воқеадан хабардор қўшним. – Қишлоқда қолган ота-онаси бор-будини сарфлаб, ўғиллари зиёли бўлиб вояга етишини хоҳлашганди. Ўғил ҳақиқатан ҳам ўқимишли инсон бўлиб етишди. Ишга жойлашгач, секин-аста юқори лавозимларга кўтарила бошлади.

Бироқ, у шу зайлда ота-онасини унута ёзди. Баъзан йиллаб қишлоққа қадам босмасди. Чолу кампир ўзлари келиб, ўғилларидан хабар олишарди.Энг ачинарлиси, «ўқимишли» ўғил амал кетидан қувиб, ота-онасининг жанозасида қатнашишга ҳам вақт топа олмади. Бутун қишлоқ бемеҳр ўғилдан ранжиди. Охир-оқибат у ишда урилиб, қамалиб кетди.

Бундай воқеалар ҳаётда оз бўлсада учраб туради. Шу ҳақда ўйлар эканман, ота-онасини бошида кўтариб, ардоқлаб юрган фарзандларга тасанно айтаман. Бу йўлда хатога йўл қўйганларга эса «хазинангни бой бердинг, эй, нодон» дегим келади.

Алишер ҚИЛИЧЕВ.

Ҳаётий ҳикоя

ҚЎШНИНИНГ ҲАҚИ

Мирвосит дам олиш куни бозорга отланаётганди, катта қизи болаларини етаклаб келиб қолди. Ҳувиллаб ётган уй бир зумда бозорга айланди. Лекин ўртанча набираси Дилшоджоннинг шашти пастроқ, келган заҳотиёқ ётиб олди. Буни кўрган Мирвосит хавотирда қизига юзланди:

– Полвонга нима қилди? – жажжи пешонасига бармоқларини босаркан, иссиқни сезди. – Иситмаси борга ўхшайди-ку. Докторга кўрсатмадингми?

– Кеча бинойидек ўйнаб юрувди. Эрталабдан ғашланиб қолди. Бугун якшанба, докторлар ишламаса... – Дилором чайналди.

– Аҳмаджонга ўзингиз кўрсатсангиз дуруст экан, – деди Ойниса эрига.

Мирвосит бозорни унутди, қўлидаги халтани қўлтиғига қисганича кўчага чиқди. Уйидаги эски шалақ машина ҳарна улов эди. Уни сотиб юборганига ич-ичидан ачинди. «Хўш, энди қайси қўшнининг эшигини қоқаман? Хўп деса, дуруст, йўқ деса, нима деган одам бўламан?»

Мирвосит шундай хаёлда ўзидан беш-олти ёш кичик Раҳимникига йўл олди.

– Жоним билан борардим-у, бензин озроқ-да, ака, қолаверса, бир зарур жойга ўтиб келишим керак. Кейин йўлда қолиб кетаман, – деди Раҳим.

Кейинги эшикдан Исмоил кўриниш берди:

– Сираям иложи йўқ. Бир оғайнимни зиёфатга олиб боришим керак.

Мирвосит яна икки эшикдан қуруқ қайтди. Ҳафсаласи пир бўлиб турганида, ортидан улов товуши эшитилди. Бундоқ қараса, яқинда узоқ тумандан кўчиб келган янги маҳалладоши Расулжон. Мирвосит ич-ичидан келаётган хўрликдан кўнгли беҳузур бўлди, ортига қарамай, шитоб билан шаҳар томон юрди.

– Йўл бўлсин, ака? – Расулжон машинадан тушиб, унга пешвоз келди. – Жуда шошиб кетаяпсиз.

– Шундай, шаҳарга, докторга кетяпман. Меҳмонга келган набирамнинг озроқ тоби қочган кўринади.

– Бозоргаям кирамизми? – сўради янги қўшниси мулойимлик билан Мирвоситнинг қўлидаги халтага ишора қилиб.

– Шартмас, шаҳарга етиб олсам бас, – деди шошиб Мирвосит, – бозор бир гап бўлар.

Расулжон уловини елдек учириб бораркан, муддаога кўчди:

– Ака, аввал бирров бозорга бош суқсак, сўнг докторга учрасак, нима дейсиз?

– Қандоқ бўларкин? – Мирвосит олдинги «йўқ-йўқ»лар иззаси таъсиридан чиқолмай дудуқланди. – Бензин, вақтингиз дегандай...

– Ҳаммаси бор, бу ёғидан ғам еманг. Муҳими, набирангиз соғайиб кетса бас.

Мирвоситнинг чироқ ёқса ёришмаётган кўнглига шуъла оралади.

– Раҳмат ука, яхши кунларингизда хизматда бўлай. Йўл ҳақини, албатта, бераман.

– Ана холос, – Расулжон яйраб кулди. – Шу маҳаллага эл бўлай, қўни-қўшни корига ярай, деб жоним ҳалак. Сиз бўлсангиз...

– Кечиринг, ука, – хижолат бўлди Мирвосит. – Ҳозир ҳамманинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Бу ҳам омади бир гап-да.

Икковлашиб, аввал бозордан ул-бул харид қилишди. Сўнг докторни олиб, изларига қайтишди.

– Хавотирга ўрин йўқ, – деди Аҳмаджон болани синчиклаб кузатгач. – Бироз шамоллабди. Бир-икки кун иссиқ кийинтириб, мана бу дориларни ичирсангиз кифоя, отдек бўлиб кетади.

Йўлакда Мирвосит докторга пул узатди.

– Оз бўлса ҳам, кўпдек кўрасиз-да.

– Э, яшанг, – деди Аҳмаджон астойдил хафа бўлиб. – Пул тутқазишингизни билганимда, келмаган бўлардим. Бир вақтлар шаҳарда қўшни бўлиб турганимизни унутдингизми? Бирга қанча ош-туз еганмиз. Озиб-ёзиб бир ишингиз тушганида...

Улов эшигини очиб турган Расулжон ҳозиржавоб гапга гап уланди:

– Ана шунақа, ака. Бу дунёда «қўшни ҳақи» деган гап ҳам бор. Бир-биримизга суяниб, талпиниб яшамасак, ҳаётнинг қизиғи ҳам, лаззати ҳам бўлмайди. Хўп, хайр.

Шу онда улов ортидан тикилиб қолган Мирвоситнинг юраги ҳалимдек юмшаб кетди...

Собиржон ИНОМОВ.

Чирчиқ шаҳридаги ҳажми 500 тонна бўлган музлаткич **ижарага берилади.** Ўртачирчиқ тумани Туябўғиз қўрғонида жойлашган, фойдали майдони 180 кв.м. бўлган савдо дўкони **СОТИЛАДИ.** Телефонлар: 252-11-34, 252-11-75.

Чилонзор тумани Гулистон мавзеси 59-уй, 127-хонадон манзили бўйича Аликулов Зокир Дустмуратович номига берилган реестр рақами 3-459/2003 бўлган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳридаги 2-ўрта мактаб томонидан 1992-93 ўқув йилида Кантемирова София Асхатовна номига берилган № 277187 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Биласизми?

Агар бизга энг яқин бўлган юлдузгача ўргимчак тўридан ип тортилса, унинг вазни 500 минг тонна бўларди.

* * *

Марсдаги тоғлар баландлиги 20-25 километрга тенгдир.

* * *

Ойдаги энг улкан тоғнинг баландлиги 11500 метр.

* * *

Қуёш нури сайёрамизга 8,5 минут ичида етиб келади. Ер бир йил давомида сарфлайдиган энергияни қуёш бир минут ичида ишлаб чиқаради.

* * *

Энг ёрқин юлдуз Тўппонча деб аталади. У атиги 6 секунд ичида қуёш бир йил давомида ажратадиган энергияни тарқатади.

* * *

Сўнгги 500 йилда Ер оғирлиги унга келиб тушган космик жисмлар туфайли қарийб миллиард тоннага ошган.

* * *

Дунёдаги энг катта метеоритлар коллекцияси америкалик Роберт Хаагга тегишли. У ҳозиргача йиққан самовий жисмларнинг умумий оғирлиги 2 тоннадан ошди.

* * *

«Хаббл» самовий телескопи суратга тушира олган энг кекса галактикалар ёши 12 миллиард йилга тенгдир.

Кулганга нима етсин

– Бугун анча руҳингиз бардам кўринади, – деди врач ўз беморига.

– Мен сиз берган шишадаги дори қоғозига қараб иш тутдим.

– Нима қилдингиз?

– Шиша оғзини очмай, ёпиқ ҳолда сақладим.

☹ ☺ ☺

Америкалик машҳур косметолог-жарроҳ зиёфат пайтида бир аёлга деди:

– Юзингиз менга таниш туюляпти.

– Танимай иложингиз ҳам йўқ. Ахир, мен бу юзим учун сизга минг доллар тўлаганман.

☹ ☺ ☺

Солдат: Жаноб офицер, хотиним бетоб. Икки кунга рухсат бермасангиз.

Офицер: Бугун хотинингдан хат келди. Тузалиб кетганини сенга айтиб қўйишни сўрапти.

Солдат: Ёлғон ҳам эви билан-да. Мен уйланмаганман.

☹ ☺ ☺

– Доктор, кўзим сира ҳам тузалгани йўқ. Пулни бекорга совуряпманми, дейман-да?

– Нега тузалмади дейсиз? Ҳар ҳолда, баъзи нарсаларни кўра бошлаяпсиз-ку!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 233-90-82, 236-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 9050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 6 7 8